

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШЕРАЛИЕВА МАШҲУРА ИКРОМЖОНОВНА

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК НАСРИДА КИНОЯ
(ижтимоий-психологик омиллари, поэтик тизимдаги ўрни)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**
**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Шералиева Машхура Икромжоновна

Ҳозирги ўзбек насрида киноя (ижтимоий-психологик омиллари,
поэтик тизимдаги ўрни)..... 3

Шералиева Машхура Икромжоновна

Ирония в современной узбекской прозе (социально-психологические
основы, место в поэтической системе)..... 21

Sheraliyeva Mashkhura Ikromjonovna

Irony in modern Uzbek prose (its social-psychological factors,
place in the poetic system)..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 44

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШЕРАЛИЕВА МАШҲУРА ИКРОМЖОНОВНА

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК НАСРИДА КИНОЯ
(ижтимоий-психологик омиллари, поэтик тизимдаги ўрни)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.1PhD/Fil41 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tai.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Қуронов Дилмурод Ҳайдаралиевич филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Каримов Баходир Нурметович филология фанлари доктори, профессор Холмуродов Абдухамид филология фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Фарғона давлат университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit.@uzsci.net.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2017 йил _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Назаров

илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, академик

Р.Баракаев

илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, филол.ф.н.

Н.Ф.Каримов

илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётида XX аср давомида воқеликка киноявий муносабатнинг устуворлик касб этиши тадқиқотчи олимлар учун киноя ва унинг моҳияти, вазифалари, ифода воситалари ва усулларини ўрганиш эҳтиёжини юзага келтирди. Модернистик ва постмодернистик адабиётларда киноянинг структурани белгиловчи муносабат турига айланиши адабиётшунослар учун айна адабий ҳодисани атрофлича ўрганиш, унинг бадиий-эстетик вазифаларини аниқлаш ва бу орқали сўнги давр жаҳон адабиёти эришган ютуқларнинг моҳиятини очиқ бериш заруратини келтириб чиқарди.

Мустақиллик йилларида миллий адабиётимизни холис баҳолаш, чинакам бадиият нуқтаи назаридан ўрганиш имкони пайдо бўлганлиги ҳозирги ўзбек насрини жаҳон адабиётшунослиги андозаларига мувофиқ илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этишга замин яратди. Айна пайтда XX аср ўзбек адабиётидаги, хусусан, 70–80-йиллар ўзбек насри бадиий тафаккуридаги янгиланишларни, давр насридаги воқеликка киноявий муносабат илдизлари ва поэтик функцияларини ойдинлаштириш имкони ҳам юзага келди. Зотан, мазкур давр насридаги киноянинг бадиий тафаккурни янгилашдаги аҳамияти ўз даври адабиётшунослари томонидан қайд этилган бўлса-да, унинг илмий-назарий жиҳатлари махсус тадқиқ этилмаган эди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани, жумладан, илм-фан, адабиёт, санъат соҳаларини ривожлантиришга эътибор қаратиш зарурлиги таъкидландики¹, бадиий адабиёт тараққиёти бу борада алоҳида қиммат касб этиши шубҳасиз. Бугунги миллий адабиётимиз равнақи эса 70–80-йиллар ўзбек насри эришган ютуқларнинг қай даражада ўзлаштирилишига ҳам бевосита боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида махсус назарий тадқиқотларни тақозо қилади.

Жаҳон бадиий тафаккурининг кейинги юз йиллик тараққиётида киноянинг устувор аҳамият касб этиши, постмодернистик адабий асарларда етакчилик қилиши ўзбек адабиётига ҳам жиддий таъсир кўрсатдики, шунинг натижасида 70–80-йиллар ўзбек насрида жуда мураккаб ва зиддиятли ғоявий-бадиий вазифалар киноя зиммасига юкланди ва у давр адабиёти қиёфасини белгилайдиган муҳим хусусиятга айланди. Айна пайтда 70–80-йиллар шеърини ва насри мафкуравий қолиплардан чиқа олгани ҳолда адабиётшунослик бу борада ортда эканлиги сезилиб қолди. Шунинг учун ҳам киноянинг эстетик категориялар тизимидаги ўрнини аниқлаб, унинг ўзбек насридаги мақомини тайин этиш, ёзувчи ижодий тадрижи ҳамда адабий-бадиий асар структурасида тутган ўрнини белгилаш, романтик дунёқараш трансформациясига таъсирини, киноявий асарнинг рецептив хусусиятларини, воқеликка киноявий муносабатнинг ижтимоий-психологик омилларини аниқлаш ҳозирги ўзбек адабиётшунослигининг долзарб вазифаларидан биридир.

¹ Қаранг: “Халқ сўзи”. – 2017. – 8 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги, 2010 йил 27 январдаги ПҚ-1271-сон «Баркамол авлод йили» давлат дастури ҳақида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида киноя атрофлича тадқиқ этилган. Хусусан, Г.Н.Поспелов, Ю.Борев каби олимларнинг тадқиқотларида сатира ва юмор доирасида¹, В.Ванслов, А.Лосев, В.Шестаков, Н.Я.Берковский, А.Бочаровларнинг ишларида эса муайян давр адабиёти ва эстетикаси билан алоқадорликда ўрганилган². Жумладан, А.Лосев ва В.Шестаковлар киноя категориясига доир эстетик қарашлар тарихига эътибор қаратган³, Н.Фрай ва В.Тюпа кинояни алоҳида модус тури сифатида ўрганганлар⁴. XX асрнинг сўнгги чорагида собиқ Иттифоқ халқлари адабиётида киноянинг кучайиши туфайли уни ўрганишга қаратилган бир қатор тадқиқотлар юзага келди⁵. Шунингдек, киноя фалсафий ва фалсафий-эстетик аспектда ўрганилган ишлар ҳам мавжуд⁶.

¹ Поспелов Г.Н. Творчество Н.В. Гоголя. – М., 1953. – С. 52; Борев Ю.Б. Комическое. – М., 1970.

² Ванслов В.В. Эстетика романтизма. – М.: Искусство, 1966; Лосев А.Ф. Ирония античная и романтическая // В кн.: Эстетика и искусство. – М., 1966; Берковский Н.Я. Романтизм в Германии. – Л.: Художественная литература, 1973; Бочаров А. Литература и время. – М.: Художественная литература, 1988.

³ Лосев А.Ф., Шестаков В.П. История эстетических категорий. – М.: Искусство, 1965; Шестаков В.П. Эстетические категории. – М., 1983.

⁴ Фрай Н. Анатомия критики // В кн.: Зарубежная эстетика и теория литературы XIX–XX вв. – М., 1987; Тюпа В. Художественность литературного произведения. Вопросы типологии. – Красноярск: Изд-во Красноярского унив-та, 1987; Тюпа В. Художественность // В кн.: Введение в литературоведение. Под ред. Л.В.Чернец. – М.: Высшая школа, 2000.

⁵ Болдина Л.И. Ирония как вид комического. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1982; Кадаша Л.И. Ирония как мировоззрение в латышской литературе. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Рига, 1990; Майдаченко П.И. Гротеск, ирония и пародирование как виды комического в современной украинской прозе. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Киев, 1985; Пеха М.П. Проблема характера в современной иронической прозе. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Одесса, 1992; Рубина С.Б. Ирония как системаобразующее начало драматургии Е. Щварца. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Горький, 1989; Третьякова Е.Ю. Современная ироническая проза: функция художественных заимствований. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1991;

⁶ Савов С.Д. Ирония как объект философско-эстетического анализа. Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Киев, 1986; Кононенко Е.И. Ирония как эстетический феномен. Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – М., 1987; Соловьев А.Э. Романтическая концепция иронии и классическая немецкая философия. Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – М., 1987; Пигулевский В.О. Эстетический смысл иронии в искусстве (от романтизма к постмодернизму). Автореф. дисс. ... док. филос. наук. – М., 1992.

Ўзбек адабиётшунослигида ҳозирга қадар киноя масаласи махсус ўрганилмаган. Фақат У.Норматов, А.Отабоевлар мақола доирасида масалага муносабат билдиришган, “Маънавий инқироз илдизлари” номли давра суҳбатида бир неча адабиётшунос олимлар томонидан тўхталиб ўтилган, холос¹.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Андижон давлат университети филология факультети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси илмий тадқиқот ишлари режаси ҳамда ОТ-А1-46 «Адабиётшуносликнинг назарий курслари бўйича ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш» (2017 – 2018 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳозирги ўзбек насридаги киноянинг ўзига хос бадиий-эстетик ҳодиса эканлигини асослаш, киноявий модусдаги асар рецепциясининг давр контексти билан алоқасини ҳамда киноянинг диалогизм билан ўзаро муносабатини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

киноянинг эстетик категориялар тизимидаги ўрнини ва ижтимоий-психологик асосларини аниқлаш;

киноянинг романтик дунёқараш трансформациясига таъсирини ҳамда муаллиф ижодий тадрижидаги ўрнини белгилаш;

киноявий асар қаҳрамонининг ижтимоий-психологик тип сифатидаги хусусиятларини очиб бериш;

киноянинг бадиий асар структурасини белгилашдаги аҳамиятини асослаш;

диалогизм ва интертекстуалликнинг воқеликка киноявий муносабатни ифода этишдаги аҳамиятини аниқлаш;

киноявий асарнинг рецептив хусусиятларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Мурод Муҳаммад Дўст, Аҳмад Аъзам ва Эркин Аъзамнинг 1990 йилга қадар ёзилган насрий асарлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини ҳозирги ўзбек насридаги киноянинг ижтимоий-психологик омиллари, поэтик тизимдаги функциялари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий-типологик, социологик, психологик таҳлил усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

киноянинг ўрганилаётган давр насрида қаҳрамон характери ва шахсияти ўртасидаги зиддият натижасида юзага келганлиги аниқланган;

киноявий модусдаги асар рецепциясининг давр контексти билан алоқаси очиб берилган;

давр насридаги киноя ва сарказмнинг муносабат объектига кўра фарқланиши исботланган;

¹ Норматов У. Кечаги кун одамлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1988. – 2 сентябрь; Отабой А. Биз билган одамларми? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1988. – 23 сентябрь; Маънавий инқироз илдизлари. Давра суҳбати // Ёшлик, 1989. – № 3.

диалогизм ва интертекстуаллик воқеликка киноявий муносабат ифодаловчи восита эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

замонавий миллий бадиий насрдаги кинояни ўрганиш бўйича ўзбек адабиётшунослиги учун методологик асос аниқланган;

70–80-йиллар ўзбек насри тараққиётининг яхлит концептуал манзараси ишлаб чиқилган;

ишда М.Бахтиннинг диалогизм назарияси ва В.Тюпаннинг бадиийлик модуслари назариясининг татбиқ этилиши замонавий ўзбек насрини таҳлил этиш имконларини кенгайтирган;

таҳлилга тортилган бадиий асарлар келгусидаги социологик, психологик ҳамда фалсафий тадқиқотлар учун қимматли ва бой манба бўлиб хизмат қилиши аниқланган;

киноявий асар рецепциясининг хусусиятларини таҳлил қилиш орқали ўзбек адабиётшунослигида бадиий асарнинг рецептив томонини махсус ўрганиш зарурати асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган бадиий манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий фикр ва хулосалар қиёсий-типологик, социологик, психологик таҳлил методлари воситасида чиқарилгани, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ХХ ўзбек адабиёти тарихи, адабий танқид бўйича ишларни яратиш, олий таълим муассасаларида ўқитиладиган адабиётшуносликка оид дарслик ва ўқув қўлланмаларини такомиллаштириш ишига мазкур тадқиқот натижаларининг татбиқ этилишида кўринади. Тадқиқотнинг назарий хулосалари бадиий асарни систем бутунлик сифатида ўрганиш, бадиий адабиёт ва ижтимоий ҳаётнинг ўзаро алоқасини тадқиқ этишда манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти адабиётшунослик луғатлари-даги мавжуд шарҳ, изоҳларга қўшимчалар киритиш ва такомиллаштиришда, муайян давр адабиёти ва адабий жараёнига хос яхлит концептуал манзарани яратишда қўлланилиши билан белгиланади. Ўзбек насридаги 70–80-йиллар воқелиги етиштирган ижтимоий-психологик типларга оид таҳлил натижа-ларидан социология ва психология фанларидан ўқув қўлланмалари яратишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқотда олинган натижалар баркамол шахсни тарбиялаш ва миллий мустақиллик ғоясини сингдиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳозирги ўзбек насрида киноя мавзусида олиб борилган тадқиқотлар асосида олинган натижалар қуйидаги ишларда жорийланган:

киноя назарияси ва унинг миллий насрдаги хусусиятларига оид натижалар ОТ-Ф8-151 рақамли “Адабиёт энциклопедияси” фундаментал лойиҳасида (2010–2012) фойдаланилган ва энциклопедиянинг 2-жилдига (ФТАнинг 2017 йил 20 январдаги ФТК-0313/69-сон маълумотномаси) татбиқ қилинган. Илмий натижаларнинг қўлланиши кинояни унга ёндош ҳодисалар – юмор, сарказм, сатирадан фарқлаш ҳамда унинг эстетик категориялар тизимидаги ўрнини аниқ баҳолаш имконини берган;

давр қиссачилигидаги кинояга оид таҳлил натижалари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Наср кенгаши ҳамда Танқид ва адабиётшунослик кенгаши фаолиятида қўлланган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2016 йил 2 декабрдаги 01-03/752-сон маълумотномаси). Жумладан, 80-йиллар ўзбек қиссаларига оид назарий хулосалар Наср кенгаши йиллик ҳисоботида 2013 йил қиссаларининг таҳлилида қўлланган, натижада *қиссачиликдаги ворисийлик, анъанавийлик* хусусиятлари ёритиб берилган. *Киноя, юмор, сарказм* илмий категорияларининг модуслар назарияси доирасидаги таҳлили натижалари *ёзувчи киноясининг ижтимоий-психологик асосларини* ҳамда унинг бадиий асар поэтик тизимидаги ўрнини аниқлашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та монография, 1 та луғат (ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, улардан 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг ҳажми 155 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Киноя ва унинг ижтимоий-психологик омиллари”** деб номланган биринчи бобида киноянинг эстетик категориялар тизимидаги ўрни ва унинг ижтимоий-психологик асослари тадқиқ қилинган. Ўзбек адабиётшунослигида *“киноя”* истилоҳи рус ва бошқа халқлар адабиётшунослигидаги *“ирония”* атамасига синоним ҳолда қўлланади. Бироқ

унинг маъно кўлами “ирония”нинг маъно кўламига нисбатан бирмунча торроқ. Шу боис ғарб олимлари тадқиқотларида “ирония” атамаси билан ифодаланган, “киноя”дан фарқли маъноларга дуч келганимизда, табиий равишда англа-шилмовчиликлар келиб чиқади. Ишда мазкур ҳолнинг юзага келиш сабаблари очиб берилди.

Тадқиқотда Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг кинояга берган таърифи билан Б.Саримсоқов, Н.Ҳотамов ҳамда Т.Бобоевларнинг иронияга берган таърифлари қиёсланиб, ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида “киноя” атамасини “ирония”нинг ўзбекча эквиваленти сифатида қўллаш одати қарор топиб бўлгани кўрсатилди. *Кўчим* тури бўлмиш киноя нисбатан кам истифода этилса, *услубий восита* сифатидаги киноя нутқий мулоқотда жуда кенг қўлланади. Тор маънодаги киноянинг иккала кўриниши ҳам бадиий асарнинг тил сатҳида намоён бўлади. Кенг маънода киноя тасвирланаётган воқеликка муносабатни англатади ва бадиий асарнинг ғоявий-тематик, сюжет-композицион жиҳатларини ҳам қамраб олади, ўрни билан асар поэтик структурасини белгиловчи омилга айланади. Адабиёт назариясига оид ишларда трагизм, сатира, романтика, драматизм ва комизм каби категориялар *воқеликка ғоявий-ҳиссий муносабат, пафос турлари* (Г.Н.Поспелов)¹, *муаллиф эмоционаллиги типлари* (В.Е.Хализев)², *бадиийлик модулари* (В.И.Тюпа)³ деб умумлаштирилган. В.Е.Хализев ва В.И.Тюпа кинояни ана шу категориялар қаторида санайдилар.

Киноянинг комиклик кўриниши сифатидаги ўзига хос жиҳатлари унинг субъектив табиати билан боғлиқ бўлиб, бунга ўз вақтида Аристотель ҳам эътибор қаратган⁴. XX асрдаги эстетик изланишлар, хусусан, Б.Дземидок, В.Пропп, Л.Болдина тадқиқотлари комиклик турларида *объектив ва субъектив ибтидолар* нисбати бир хил эмас, деган хулосага олиб келди⁵. Б.Дземидок таъкидлаганидек, киноявий нуқтаи назар объектга ҳеч қандай ижобий идеални қарши қўймаслиги мумкин⁶. Бундай хусусият аксарият сатирик ёки юмористик бўлмаган асарлардаги киноя учун хосдир. Романтик киноя, Франсуа де Ларошфуко⁷, Умар Хайём⁸, Ф.Кафка⁹, Т.Манн¹⁰ асарларидаги ҳамда собиқ Иттифоқ таркибига кирган халқларнинг 70–80-йиллар адабиётидаги киноя ана шундай хусусиятга эга.

¹ Введение литературоведение. Под ред. Г.Н.Поспелова. – М., 1988. – С. 111; Поспелов Г.Н. Проблемы исторического развития литературы. – М.: Просвещение, 1972. – С. 134.

² Хализев В.Э. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1999. – С. 97-99.

³ Тюпа В.И. Художественность литературного произведения. Вопросы типологии. – Красноярск: Изд-во Красноярского университета, 1987. – С. 140-160.

⁴ Лосев А.Ф. Ирония античная и романтическая // В кн.: Эстетика и искусство. – М., 1966. – С. 63.

⁵ *Қаранг:* Дземидок Б. О комическом. Перевод с польского. – М.: Прогресс, 1974. – С. 104; Пропп В. Проблемы комизма и смеха. – М.: Лабиринт, 1999; Болдина Л.И. Ирония как вид комического. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1982. – С. 16.

⁶ Дземидок Б. О комическом. Перевод с польского. – М.: Прогресс, 1974. – С. 104;

⁷ Болдина Л. Ирония как вид комического. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1982. – С. 6.

⁸ Тюпа В.И. Художественность литературного произведения. Вопросы типологии. – Красноярск: Изд-во Красноярского университета, 1987. – С. 158–159.

⁹ Фрай Н. Анатомия критики // В кн.: Зарубежная эстетика и теория литературы XIX–XX вв. – М.: Изд-во Московского университета, 1987. – С. 240.

¹⁰ Харитонов М.С. Понятие иронии в эстетике Т. Манна // Вопросы философии, 1972. – №5. – С.103.

С.Кьеркегорнинг фикрича, киноя субъекти учун “мавжуд воқелик ўз қимматини йўқотади. Унинг учун бу воқелик ҳар жиҳатдан ноқулай ва номукамалдир. Аммо у бошқа томондан бу воқеликка қарши қўйиш учун янги бир намунага эга эмас. У фақат мавжуд воқелик идеалга мувофиқ эмаслигини билади холос”¹.

Ўтган асрнинг 70-йиллари охири ва 80-йиллари бошларида жамиятимиз ҳаётида ана шундай оралик вазият юзага келди. Зиёлиларнинг фикран уйғоқ вакиллари коммунистик ғоялар билан мавжуд тузум таянган асослар мутлақо номувофиқ эканини тушуна бошладилар. Маълум бўлишича, мавжуд сиёсатга хизмат қилиш айти пайтда умуман жамиятга хизмат қилиш дегани эмас, балки жамиятнинг ижтимоий адолатсизликдан манфаатдор қатламларига хизмат қилиш билан баробар экан. Буни англаш ёш зиёлилар олдига ўз ижтимоий позициясини қайтадан белгилаш масаласини қўяди. Бу давр зиёлиси тузумга, сиёсатга хизмат қилиб, ижтимоий иерархиянинг юқори поғоналарига кўтарилиши, имтиёзли тоифалар орасидан жой олиши мумкин ёки, аксинча, ижтимоий адолатсизликка ҳисса қўшишни истамаса, ижтимоий ҳаётнинг чекка-чекка бурчакларида қолиб кетаверади. Қадриятларга содиқ қолиш нуқтаи назаридан иккинчи йўлни танлаш виждонга мос келади. Шунинг учун ижтимоий адолатсизликка ҳисса қўшадиган фаолиятдан кўра фаолиятсизлик афзалроқ ҳисобланадиган бўлди. Бироқ тез орада бу йўлнинг нотўғри экани, *танлаш имконини торайтириш* – ўз фаолиятсизлигини оқлашдан бошқа нарса эмаслиги аён бўлиб қолди. Айти ҳолат ёш зиёлиларнинг ўз ҳаётини позициясидаги чекланган, чегараланган жиҳатларни англашга ва ўз-ўзига киноявий муносабатга олиб келди.

70–80-йиллар ёш носирлари ижодида нима учун айнан киноявий муносабат кучая бошлади? Диссертацияда бу ҳол ижтимоий-фалсафий, бадиий-эстетик қарашларни ўзгартириш, янгилаш эҳтиёжи билан боғлиқ экани асослаб берилди. Рус адабиёти тарихида Гоголь *буюк юморист*, Салтиков-Шчедрин эса *буюк сатирик* дея таърифланади². Гоголь чор Россиясидаги ўз вазифаси моҳиятини унутиб қўйган дворян ва амалдорларнинг маънавий жиҳатдан покланиши жамиятни ўзгартириши мумкин деб ҳисоблайди ва асарларида тасвирланаётган воқеликни *маънавий-ижтимоий жиҳатдан* инкор қилади. Гоголдан фарқ қилиб, Салтиков-Шчедрин дунёқараши асосини ташкил қилган инқилобий-демократик ғоялар унга чор Россияси таянган асослар қай даражада қотиб қолгани, эскирганини, шунга қарамай яшаш ҳуқуқини сақлаб қолишга интилаётганини англашга ёрдам берди, у сатирик ижодкор сифатида воқеликни *ижтимоий мавқедан* инкор этади. XX аср 70–80-йиллар шароитидаги ёш бўғин ижодкори, Гоголдан фарқли, инсоннинг маънавий баркамоллиги жамиятни ўзгартиришга қодир эмас, аксинча, *бундай муҳитда маънавий баркамолликка имкон йўқ*, деган ҳулосага келди. Айти чокда у, Шчедриндан фарқ қилароқ, жамиятни

¹ Кьеркегор С. О понятии иронии. /http://www.histphil.ru/biblio/docs/kerkegor-o_poniatii_ironii.pdf. Дата доступа: 10.03.2015.

² Поспелов Г.Н. Проблемы исторического развития литературы. – М.: Просвещение, 1972. – С. 134.

ўзгартириш ҳақидаги мавжуд қарашларга муқобил идеалларга эга эмас эди. Мустабид тузум ўз идеалларидан фарқланадиган қарашларнинг шаклланишига тўсқинлик қиларди. Шунинг учун ҳам бу давр ижодкори дунёқарашида мавжуд ижтимоий-сиёсий қарашларни инкор этиш эмас, балки ана шу қарашлар таъсирида туғилган *ҳаёт ҳақидаги иллюзиялар билан реал воқеликни қийёслаш* жараёни кечди. 70–80-йиллар ўзбек насридаги киноя ҳам мана шу жараёнда юзага келди. Зотан, Г.Н.Поспелов таъкидлаганидек, “*Киноя ва сарказм идеаллар ва воқелик ўртасидаги кескин номувофиқликни англашдан тугилади*”¹.

70–80-йиллар ўзбек насрида киноянинг кучайишига олиб келган иккита асосий омил мавжуд: биринчиси – *даврнинг ижтимоий шарт-шароити, яъни объектив омил*, иккинчиси – айти шу шарт-шароитларда етилган ва ижодкорларимиз томонидан *шахсийланган ижтимоий дард-кайфият, яъни субъектив омилдир*. Аҳамияти жиҳатидан саналганлардан кам бўлмаган омилларни ҳам кўрсатиш лозим: 1) *ижодий-руҳий омил*. 70-йиллар авлодининг ўзини адабий авлод сифатида қарор топтиришга, ўз сўзини айтиш ва муайян адабий-эстетик принципларни шакллантиришга интилиши; 2) *адабий алоқалар*. Рус, болтикбўйи, грузин, арман ва бошқа миллий адабиётлардан ижодий таъсирланиш, ўрганиш; рус тилига таржима қилинган жаҳон адабиёти намуналари; ижодкорларнинг бир қисми (хусусан, М.Муҳаммад Дўст) Москвада ўқигани, яъни 60-йилларда ижтимоий идеалларга ишонч қайтадан таназулга учраган адабий муҳит кайфиятини интенсив ўзлаштириш имконияти.

М.Муҳаммад Дўстнинг “Қайдасан, қувонч садоси?” ҳикоясида муаллифнинг юксак идеалларга романтик муносабати Бетховен образида мужассамлашган. Бетховен муаллиф идеалига мос, фавқулодда, алоҳида шахсият эгасидир. Бетховеннинг Наполеон шахсига алоҳида қизиқиш билан қараши ижодкорнинг реаллик билан тўқнашув натижасида юзага келган ижтимоий-психологик кайфиятини яхши ифодалайди. “Қайдасан, қувонч садоси?” ва “Учинчи симфония” ҳикоялари марказига қўйилган санъаткор образидаги исёнкорлик, ўз муҳитидан қоникмаслик, санъаткор ва воқелик масаласининг романтик талқини адибнинг кейинги асарларидан кескин фарқланади. Санъаткор образи муаллиф учун ўзининг юксак идеалларини тасдиқлаш ҳамда идеалга зид воқеликни инкор этиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Ёзувчи худди XIX аср романтизм адабиёти вакиллари каби ўзининг ижодкор сифатидаги миссиясини белгилаб олишга интилади. Қаҳрамон нафақат воқеликка, балки ана шу воқеликнинг сохта талқинини бераётган санъат ва санъаткорларга ҳам қарши қўйилади. Адиб асарларида қаҳрамонларга муаллиф муносабати тобора киноявий тус олиб борадики, санъатнинг сохта, норматив, манфаат аралашган кўринишлари ёзувчи истехзоси, масхараси объектига айланган. Кейинги асарларида кузатилувчи воқеликка муносабатнинг идиллиявийлик (“Бир тойчоқнинг хуни”, “Дашту далаларда”, “Мустафо”) ҳамда элегизм (“Галатепага қайтиш”) томон

¹ Кўрсатилган манба, Б. 134.

силжишига муаллифдаги романтик муносабатнинг ўзгаришга учраб, бошқа кўринишга ўтиши – трансформацияси деб қараш зарур.

Диссертациянинг “**Давр насридаги ижтимоий-психологик типлар ва уларга киноявий муносабат**” деб номланган иккинчи бобида давр қиссаларидаги киноя тадқиқ этилган. М.Муҳаммад Дўстнинг “Галатепага қайтиш” қиссасида киноявий позициядаги асосан иккита субъект бор: *муаллиф ва Файбаров*. Қисса қаҳрамонларининг ижтимоий кайфияти ва маънавий-ахлоқий қиёфасини баҳолаш Тошпўлат Файбаровнинг таассуротлари, киноявий нуқтаи назари орқали акс этади. Қиссадаги ривоя структураси ҳам шунга мувофиқ тузилган – асарда *ўзиники бўлмаган муаллиф нутқи* орқали аксарият Тошпўлат Файбаровнинг нуқтаи назари, таассуротлари ифодаланади. Файбаровнинг киноявий муносабати эса муаллиф назарда тутган ижтимоий-маънавий меъёрга таянади. Файбаровнинг нуқтаи назари аксарият ҳолларда объектни *тушуниши* (1) ва ундан *четлашиши, киноявий муносабатга ўтиши* (2) тарзида алмашилиб туради. Бу ҳол унинг деярли барча персонажларга (Оқсоқол, мулла Чори, мулла Соат, Опа, Анзират кампир, Соқол, Шоир, Хайкал Ғаниевич ва б.) муносабатида кузатилади. “Опа” бобидан куйидаги эпизод бунинг яққол мисолидир.

“Файбаровнинг раҳми келди (1).

...кундузи бошқача йиғлаган бўларди (2).

Ташқарида эса ҳамон тун. Хўрозлар ухлаб ётибди – ҳали тун.

...тонггача сабри чидамаган. Тонгда йиғласа яхшироқ бўларди. Лекин у ҳам фарзанд, бир замонлар шу рўзғорга шерик эди, отани йўқламаса бўлмайди (1), *йўқлаганда гувоҳ бўлгани тузук* (2)”¹. Бу ўринда Файбаров опасини азадор инсон сифатида эмас, азадор бўлиб кўринишга уринаётган одам сифатида кўриб тушунишга ҳаракат қилади, тушунишга ҳаракатнинг ўзи уни киноявий позицияга олиб келади.

“Истеъфо” қиссасида аввалги ижтимоий мақомининг имтиёзларига ўрганиб қолган, кейинги ижтимоий ролига – кераксиз одам мақомига кўниқолмаётган қаҳрамоннинг *шахсияти* қайта уйғонишига гувоҳ бўламиз. Эломоновда шахсиятнинг қайта уйғониши, қайта ижтимоийлашув жараёни унинг ўз-ўзига ва атрофдагиларга муносабатида кинояни юзага келтиради. Ёзувчи ва қаҳрамон кинояси орқали ижтимоий-маънавий меъёрга зид ҳолатлар инкор қилинади. Ёзувчи ижтимоий-маънавий қарашларига кўра, жамиятда кишининг ўз ҳалоллиги камлик қилади, инсон оқ-қорани вақтида мустақил ажратиб олишга, атрофдагиларнинг кимлигини тўғри англаб, шунга мувофиқ йўл тутишга ҳам масъулдир. Муаллифнинг Эломоновга нисбатан киноясининг асосий сабаби – Эломоновда юқоридаги сифатлар етишмайди. Эломоновнинг муовини Кўшшаев эса бундан онгли равишда фойдаланади, ўзининг аблаҳлиги ҳамда Эломоновнинг бўшанг ва гўллигини теппа-тенг баҳолайди: “Кўшшаев кулди, сизга осон, гражданин Эломонов, деди, *сизнинг айбингиз ҳеч қайси моддага тўғри келмайди!*”². Айни пайтда

¹ Муҳаммад Дўст М. Галатепага қайтиш. – Т., 1983. – Б. 36.

² Муҳаммад Дўст М. Истеъфо // Муҳаммад Дўст М. Дашту далаларда. Қиссалар. Ҳикоялар. – Т.: Ёш гвардия, 1989. – Б. 122.

Қўшшаевнинг Эломоновга кинояси ундаги шахсият белгиси эмас, балки шахсияти майда манфаатлар исканжасида емирилиб бўлган, ўз қилмишларини оқлашнинг ҳадисини олган типнинг (“Галатепага қайтиш” қиссасидаги Самаднинг бошқа сифат кўриниши) психологик қиёфасини кўрсатади.

Эркин Аъзамнинг “Жавоб” қиссасида ижтимоий муносабатлардан четлашишга ўз-ўзини реаллаштиролмаслик, воқеликка муносиб жавоб қайтаролмаслик омили сифатида қаралади. Муаллиф ўз қаҳрамони Нуриддин Элчиевнинг кадрсизланиб, камситилишининг асосий сабабини унинг ўзидан, ҳаётини позициясидан излайди. Нуриддин Элчиевни каноатлантираётган идиллиявий дунёни тасдиқлаш эмас, аксинча, киноявий инкор қилиш йўлидан боради.

“Жавоб” қиссаси яратилган давр кишилари онгида барча кишиларнинг ҳуқуқлари тенг, синфсиз жамиятда яшайпмиз, деган тасаввур муқимлашган. Бу тасаввурни кишилар ўз онгидаги идеал деб ҳисобламаганлар, уларнинг назарида жамиятда ҳар бир киши учун шундай адолат таъминланган эди. Бу ўринда *иккита реаллик* – ёзувчи тасаввуридаги (*сохта*) *реаллик* билан *асл реаллик тўқнашуви* рўй берапти: барча фуқароларнинг ҳуқуқлари тенг бўлган жамиятда инсонга тенгсиз муносабат муаллифнинг ўзи яшаётган жамият ҳақидаги тасаввурларига сиғмаяпти. Нуриддин Элчиевнинг изтироблари асосида ҳам мана шу зидлик ётади: у синфсиз жамият деб ишонгани воқеликдаги ўз ҳолатини ҳазм қилолмаяпти. Муаллиф идеалининг воқеликдаги қиммати (тўғрироғи, қимматсизлиги) таҳлилдан ўтказиляпти. Бу ерда парадоксал ҳолат мавжуд: ёзувчи реалликка хос хусусият деб ўйлагани асли ҳаётда мавжуд бўлмаган идеал ҳолат бўлиб чиқаяпти, бунинг устига ушбу идеал реалликда ўзи кутмаган даражада қимматсиз эканига гувоҳ бўлиб турибди. Шунга кўра, “Жавоб” қиссаси маълум даражада *ёзувчининг ўз-ўзига, ўзининг илгариги иллюзияли қарашларига кинояси* ҳамдир.

Жамият кишилари онгидаги ижтимоий-ахлоқий меъёрлар билан улар реалликда амал қиладиган қонун-қоидалар ҳаммиша ҳам мувофиқ келавермайди. Баъзан ижтимоий адаптация жараёнида инсон ўзининг меъёр ҳақидаги тасаввурлари, талабларидан чекиниб, ҳаётнинг ёзилмаган қонунлари билан муроса қила бошлайди. Бу ҳолда ижтимоий-ахлоқий меъёрлар ва ўзи воқеликда амал қиладиган қоидалар ўртасидаги номуво-фиқликни инсон реал ҳаётда эмас, ўз онгида ҳал қилишига тўғри келади – ижтимоий-ахлоқий меъёрларни ўз ҳаётига мослаб сохталаштира бошлайди. Яъни ўз қилмишларини меъёрга мослаш ҳақида қайғурмайди, аксинча, меъёрни ўз қилмишларига мослаб талқин қила бошлайди (*рационализация*). У энди *ҳақиқий “мен”* идан ва чинакам ижтимоий-ахлоқий меъёрлардан узоқлаша боради, унда бошқа “мен” – реалликка мослашган *мавжуд “мен”* ҳамда меъёрдан чекинмаганлик иллюзиясидан иборат *идеаллаштирилган (сохта) “мен”* юзага келади¹. Идеаллаштирилган “мен” аслида реалликда мавжуд

¹ Идеаллаштирилган “мен” ва мавжуд “мен” ҳақида *қаранг*: Хорни К. Наши внутренние конфликты. – М.: Академический проект, 2006.

бўлмаган, инсон онгидаги образ бўлиб, у ижтимоий-ахлоқий меъёрларни сохта талқин қилиш, улардан фақат биттасини мутлақлаштириш, чегаралаш ёки атайин тор тушуниш орқали яратиб олинади. Идеаллаштирилган образ сохта идеал асосида юзага келади, сохта идеал эса мавжуд шарт-шароитлар билан ҳисоблашган, уларга мослашган ҳолда идеал талабларини танлаш ва амал қилишни англатади. Бу ўринда мавжуд ҳолатнинг нобоп жиҳатларига қарши қўйилган (ҳақиқий) идеал билан ана шу нобопликларга мослашиш, улар билан келишувга бориш асосида танланган (сохта) идеални фарқлаш керак бўлади. Инсон нобоп шароитга мослашганлиги (мавжуд “мен”и) ҳақидаги тасаввурни онгли ҳаётидан қуйига – онг остига тушириб юборади, ўзини фақат идеаллаштирилган образ ҳолида кўради. Идеаллаштираётганидан беҳабар ҳолда ўз ҳолатини меъёр деб ҳисоблайди. Демак, инсон онгидаги идеаллаштирилган образ ўз ижтимоий-ахлоқий меъёрларидан чекинмаганлик иллюзиясидан бошқа нарса эмас.

Аскартоғ томонларда” қиссасида мавжуд “мен”нинг юқорига – анланган қатламга қалқиб чиқиши содир бўлади. Идеаллаштирилаётган образ ва мавжуд “мен” ўртасидаги номувофиклик қаҳрамонда ҳар иккисига нисбатан ҳам киноявий муносабатни юзага келтиради: идеаллаштирилган образ сохта бўлганлиги ва аслида мавжуд эмаслиги туфайли, мавжуд “мен” эса меъёрга мос бўлмаганлиги учун инкор қилинади. Ҳар иккисининг ҳам инкор этилиши қаҳрамонда ҳақиқий “мен”нинг қайта уйғониши, унинг руҳиятда бўлса-да, фаоллашиши билан содир бўлади.

Маҳди Ашраповнинг тўғри яшашни фақат ўзининг тоза қолишидан иборат деб билиши, фаолият доирасини чегаралаб олгани, кичкина одам вазиятини меъёр ҳисоблаши кабилар унинг ижтимоий-ахлоқий меъёрларни ўз ҳаётий позициясига мослаб талқин қилгани, улар моҳиятини торайтирганини кўрсатади. Маҳди Ашраповнинг дўсти Тангир билан ҳаёлий баҳслари моҳиятан ундаги идеаллаштирилган “мен” ва мавжуд “мен”нинг ўзаро зиддияти эдики, бу баҳсни таҳлил қилиб қаҳрамон аста-секин ўзидаги баҳслашувчи томонлардан – идеаллаштирилган ва мавжуд “мен”дан четлашади, иккисини ҳам инкор этадиган ҳақиқий “мен”нинг нуқтаи назаригача чиқиб боради. Маҳди Ашраповнинг назарида, у яшаётган муҳит “гуноҳкор ва гуноҳсиз”, “саховатли ва таъмагирлар”дан иборат. Қаҳрамондаги тафаккур тарзининг схематиклиги вазиятга бошқа томондан қарашга имкон бермайди: икки қутбдаги кишилар деб ўйлаётгани битта қутбдаги – кичкина одамларнинг кичкина дунёсидаги кишилар эканини, муҳит моҳиятини белгилаётган куч аслида бошқа эканлигини кўришга ҳалал беради. Юқоридагиларни англаш эса қаҳрамонни аввало ўз-ўзига киноявий муносабатда бўлишга олиб келади.

Диссертациянинг **“Киноянинг бадиий асар структурасини белгилаш-даги аҳамияти”** деб номланган учинчи бобида М.Мухаммад Дўстнинг “Лолазор” романи бадиийлик модуслари назариясига мувофик тадқиқ этилган. Модус тушунчаси адабиётшуносликка Н.Фрай томонидан киритилган бўлса-да, диссертацияда рус олими В.И.Тюпаннинг бадиийлик модуслари назариясига таянилди. Чунки В.Тюпа қарашлари бадиий асарни

систем бутунлик сифатида тадқиқ этиш учун қулай имконият яратади. Бадиийлик модуси атамаси остида учта тушунча бирлаштирилган: *воқеликка муносабат – қаҳрамонни типиклаштириши – катарсис*¹. Бадиийлик модуси “муаллиф – қаҳрамон – китобхон” учлигининг бирлигида намоён бўлади.

“Лолазор”да воқеликка муносабатнинг *киноя, сарказм, элегиявийлик, драматизм* кўринишлари учрайди. Романда воқеликка киноявий муносабатнинг салмоғи элегизм ва драматизмга нисбатан ортиқроқ: Саидқул Мардон кўпроқ элегиявий муносабат субъекти, Назар Яхшибоев эса воқеликка киноявий муносабат эгаси сифатида кўринади. “Лолазор” романида М.Бахтин ишларида айтилган² кенг маънодаги диалогнинг микродиалог, композицион диалог, катта вақт ўлчамидаги диалог турлари кузатилади. Турли хил нуқтаи назарларнинг ўзаро диалогини натижасида асар полифоник хусусият касб этган. Нуқтаи назарлар диалогини бир неча аспектда (*образлар тизими, ривож структураси* ва *хронотоп* орқали) акс эттирилган.

И.Мананников *киноя* ва *диалог*да ғоявийлик муаммосининг ечимини кўради, *киноявий позицияга диалоггача бўлган ҳолат* деб қарайди³. Тоталитар позицияда диалог имкони йўқ, ўзининг воқеликка муносабатида тоталитарликдан халос бўлган, бироқ ҳали диалог имконига эга бўлмаган инсонда киноявий муносабат юзага келади. Назар Яхшибоевда диалог зарурати етилиб бўлган, бироқ Ошно ҳам, Саидқул Мардон ҳам Яхшибоев билан диалогга қодир эмас, уларда тоталитар онгнинг турли кўринишлари ҳукмрон. Яхшибоев микродиалоглари (қаҳрамон онгидаги диалоглар)да Саидқул Мардон мулоқот субъекти бўлолмайди. Ошно, Яхшибоев ва Саидқул Мардон ўртасида ўзаро *реал диалог* йўқ, улар *муаллиф онгида ўзаро диалогга киришган томонлардир*. Реал диалогнинг йўқлиги, бироқ диалог заруратининг ортиқ даражада етилганини ҳис қилиш муаллифни воқеликка киноявий муносабатда бўлишга олиб келганки, асар марказига диалог эҳтиёжи туфайли воқеликка киноявий муносабатда бўлаётган қаҳрамон – Назар Яхшибоев чиқарилган. Ошно ўз позициясининг тоталитарлиги билан, Саидқул Мардон эса журъатсизлиги билан диалогдан ўзини олиб қочаётган кишилар бўлиб, муаллиф бадиий ниятини амалга оширишда Яхшибоевдан бир поғона қуйи туради.

Киноявий асар қаҳрамонида “*ўзим учун мен*” билан “*ўзгалар учун мен*” фарқланади. Яхшибоевнинг “*ўзгалар учун мен*”и ижтимоий роли ва мақомидан келиб чиқади, “*ўзим учун мен*”и эса унинг ҳақиқатни ўзи учун аниқлаб олишга қаратилан нуқтаи назарини акс эттиради. Муаллифга ички ва ташқи нуқтаи назари фарқланадиган, айни пайтда шунчаки иккиюзламачи эмас, ички нуқтаи назарда ниқоблардан ва ижтимоий роли инерциясидан

¹ Тюпа В. Художественность литературного произведения. Вопросы типологии. – Красноярск: Изд-во Красноярского унив-та, 1987. – С. 92; Тюпа В. Художественность // В кн.: Введение в литературоведении. Под ред. Л.Чернец. – М.: Высшая школа, 2001. – С. 479–480; Теория литературы. В 2 т. // Под ред. Н.Д.Тамарченко. – Т. 1.: Н.Д.Тамарченко, В.И.Тюпа, С.Н.Бройтман. Теория художественного дискурса. Теоретическая поэтика. – М.: Академия, 2004. – С. 49–79.

² М.М.Бахтин. Проблемы творчества Достоевского. – Киев, 1994. // <http://www.vehi.net/dostoevsky/bahtin/>

³ Мананников И.В. Ирония как снятие тоталитарного сознания // В кн.: Тоталитаризм и тоталитарное сознание. – Томск: Томский Антифашистский комитет, 1996. – С. 14-17 // <http://tvfi.narod.ru/manan1.htm>

холи бўла оладиган одам керак. Яхшибоев нуқтаи назари муаллифга жамиятдаги муаммоларнинг илдизини кўрсатиш учун қулай позиция яратади. Асосий вазифаси *жамиятнинг ижтимоий-маънавий муаммолари устида бош қотириш, уларни ҳал этиш йўллари*ни излаб топиш бўлган *интеллигенция*, аксинча, ўз ичидаги майда интригалар билан банд, аксарият маънавий деградацияга учраган кишилардан иборат. Бу ҳолат Яхшибоев киноясининг объектив асосидир.

